ЎЗБЕКИСТОНДАГИ “ҚУЛОҚ ПОСЁЛКАЛАРИ” ОММАВИЙ ҚАТАҒОН ЙИЛЛАРИДА

М.Ғ. АБДУЛЛАЕВ

В данной статье освещен процесс репрессирования спецпоселенцев – бывших кулаков в 1937-1938 годах, приведены данные о динамике репрессий и количестве репрессированных в спецпосёлках Узбекистана.

The article describes the process of repression of the convict the former ‘qulaks - exiles’ of 1937-1938. The article contains data on the dynamics of repression and on the number of the repressed in the places of confinement.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш йилларида «қулоқ» сифатида сургун қилинган деҳқон оилалари ОГПУ (Бирлашган давлат сиёсий бошқармаси) нинг Лагерлар бош бошқармаси (ГУЛАГ) назорати остидаги махсус посёлкаларга жойлаштирилди. Сургун қилинганлар 1930-1934 йилларда расмий ҳужжатларда «махсус кўчирилганлар» *(спецпереселенцы)* деб номланган. 1934 йилда ОГПУ НКВД (Ички ишлар халқ комиссарлиги) сифатида қайта ташкил этилгач, ГУЛАГ бошқарув структурасида ҳам ўзгаришлар юз берди. Шу даврдан эътиборан «махсус кўчирилганлар» атамаси ўрнига «меҳнат кўчкиндилари» *(трудпоселенцы)* атамаси қўллана бошлади. Қулоқлар жойлаштирилган маконлар «махсус посёлка»дан «меҳнат посёлкаси»га ўзгартирилди.

1936-1937 йилларда меҳнат посёлкалари ташкилий-хўжалик жиҳатдан деярли шакллантириб бўлинган ва маълум бир тизимга солинган эди. Меҳнат посёлкалари бўйича умумий бошқарув ва назорат НКВД органлари томонидан олиб борилар, бу орган ва тегишли хўжалик ташкилотлари ўртасида тузилган шартномаларга биноан сургун қилинганлар меҳнатидан фойдаланиш йўлга қўйилган эди.

1937 йилда Ўзбекистонда қулоқ хўжаликлари сургун қилинган посёлкалар сони 15 та бўлиб, посёлка комендатураларининг рақами ва номланиши қуйидагича бўлган:

№1 «Ҳазорбоғ» (Денов районида), №2 «Боёвут» (Ховос районида), №3 Стрелково номли (Янгийўл районида), №4 Болтабоев номли (Оққўрғон районида, кейинчалик Сталин номи билан аталган), №5 «Ўзбекистон 5 йиллиги» (Янгийўл районида), №6 «Далварзин» (Бекобод районида), №7 «Савай» (Жалолқудуқ районида), №8 «Норин» (Учқўрғон районида), №9 Куйбишев номли (Избоскан районида), №10 Биринчи боғдорчилик хўжалиги (Янгийўл районида), №11 Иккинчи боғдорчилик хўжалиги (Янгийўл районида), №12 «Булунғур» (Булунғур районида), №13 ЦОС НИХИ* (Янгийўл районида), №14 Сабзавотчилик хўжалиги (Янгийўл районида), №15 Дзержинский номли қишлоқ хўжалик артели (Бекобод районида) [1.7]. Кейинги йилларда меҳнат посёлкалари сони қисқариб борган ва уларнинг номи ва рақами ўзгариб турган.

1937 йилда Ўзбекистондаги мавжуд меҳнат посёлкаларида ўртача 3538 «қулоқ» оиласи (13924 киши) бўлган. Уларнинг 7054 нафари меҳнатга яроқлилар бўлиб, улар 134 меҳнат бригадаларида ишлаганлар. 1937 йилда меҳнат посёлкалари аҳолиси таркибида қуйидаги миқдорий ўзгаришлар юз берди: 582 киши туғилган, 433 киши ўлган, 816 киши посёлкалардан қочиб кетган. Аввалги йилларда қочиб кетганлардан 126 киши ушлаб олиб келинган, 182 киши эса қочқинликдан ихтиёрий қайтиб келган. Қочқинликдан ушлаб келинганлардан 46 таси судланган [1.42].

Ушбу маълумотларни таҳлил қилиб хулоса чиқариш мумкинки, меҳнат посёлкаларида сургун қилинганларнинг турмуш шароитлари аввалги йилларга қараганда бирмунча ўнгланган. Бу ҳолат меҳнат посёлкаларида туғилиш даражасининг ўлимга нисбатан кўпайганлиги билан изоҳланади. Бундан ташқари, сургун қилинганлар ўртасида сургундаги ҳаёт тарзига ҳам маълум даражада мослашиш ҳосил бўлган. Чунки бу йилларда меҳнат посёлкаларидан қочиб кетиш ҳоллари ҳам аввалги йилларга нисбатан анча камайган. Зеро қочиб кетганларнинг ҳеч бир ҳужжатсиз бирон-бир ерда доимий яшаб қолиши қийин эди. Шу боис ҳам қочиб кетганларнинг аксарияти 2-3 ойдан кейин ўз оилалари ёнига, яъни посёлкаларга қайтиб келганлар. Судланганлар миқдорига оид рақамлар фақат суд органлари томонидан жазога тортилганлар миқдо-

* ЎзССР Ер Ишлари Халқ Комиссарлигининг Пахтачилик илмий тадқиқот институти Марказий тажриба станцияси

ри бўлиб, НКВД «учлик»лари томонидан жазога ҳукм қилинганлар унга қўшилмаган.

Маълумки, 1937-1938 йилларда совет давлатида тоталитар тузум томонидан жамиятга нисбатан оммавий қатағонлар ниҳоятда авж олдирилган. Оммавий қатағонлар қулоқ қилиниб, махсус посёлкаларга сургун қилинганлар тақдирида ҳам машъум из қолдирди.

Оммавий қатағон «операцияси»ни ўтказишга совет ҳукумати ва компартия олий органлари раҳнамолик қилганлар. 1937 йил 2 июлда ВКП(б) МК Сиёсий бюросининг «Антисовет унсурлар тўғрисида» директив қарори [2.27] қабул қилинади ва бу кўрсатма барча республика, ўлка ва вилоятлар партия ташкилотларига ҳамда НКВД раҳбариятига телеграмма орқали етказилади. Бу директив кўрсатмада иттифоқнинг барча шаҳар ва қишлоқларида сургундан қочиб келган собиқ қулоқлар ва жиноятчилар ўрнашиб қолганлиги, улар саноат корхоналарида, колхоз ва совхозларда, транспортда ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқларида антисовет-қўпорувчилик ишларини олиб бораётгани таъкидланган. ВКП(б) МК барча республика, ўлка, вилоят партия раҳбарларига ва НКВД органларига «қочиб юрган қулоқларни ва бошқа жиноятчиларни зудлик билан қамоққа олиш, улардан ўта ашаддийларини «учлик»лар орқали отув жазосига ҳукм қилиш, қолганларини эса НКВД органлари орқали чекка районларга сургун қилиш» ҳақида кўрсатма берди. Директив қарорда беш кун ичида «учлик»лар таркибини, шунингдек, отув жазосига ҳукм қилинадиганлар ва сургун қилинадиганлар миқдорини ВКП(б) МКга тақдим этиш қайд қилинган.

ВКП(б) МК Сиёсий бюросининг 1937 йил 11 июлдаги йиғилишида Ўзбекистон ССР бўйича «учлик» таркиби Загвоздин (ЎзССР Ички ишлар халқ комиссари), Икромов (ЎзКП(б) МК котиби), Болтабоев (ЎзССР ХКС раиси) лардан иборатлиги белгиланди, республикадан 1489 кишини отув жазосига ҳукм қилиш, 3952 кишини эса сургун қилиш лозимлиги тасдиқланди [3.326].

1937 йил 30 июлда ВКП(б) МК Сиёсий бюросининг 2 июлдаги қарори асосида СССР НКВДсининг № 00447 сонли «Собиқ қулоқлар, жиноятчилар ва бошқа антисовет унсурларни қатағон қилиш бўйича операция тўғрисида»ги оператив буйруғи [4.96-104] чиқди. Буйруқда қатағон қилиниши лозим бўлган контингентлар 7 та гуруҳга ажратилган бўлиб, қатағоннинг асосий объекти сифатида жазони ўтаб қайтиб келган ва советларга қарши фаолият олиб бораётган, лагерлардан ёки меҳнат посёлкаларидан қочиб келган, шунингдек, жазодан яшириниб қолган собиқ қулоқлар белгиланган. Шу сабабли ҳам ушбу буйруқ «Қулоқлар тўғрисидаги буйруқ» деб ҳам аталган.

Буйруқда мазкур «антисовет унсурлар»ни шафқатсизлик билан тор-мор этиш учун НКВД органларига 1937 йил 5 августидан эътиборан қатағон операциясини бошлаш ва уни тўрт ой ичида якунлаш вазифаси юклатилган эди. Ўрта Осиё республикаларида қатағон операцияси 10 августдан бошланиши буйруқда алоҳида кўрсатиб ўтилди. Буйруқда қатағонга тортилиши лозим бўлган «қулоқлар, жиноятчилар ва бошқа антисовет унсурлар» икки тоифага ажратилди.

Биринчи тоифага мансублар юқоридаги унсурларнинг «нисбатан ашаддийлари» бўлиб, улар зудлик билан қамоққа олиниши ва «учлик»лар томонидан отув жазосига ҳукм қилиниши, қолган барча унсурлар иккинчи тоифа ҳисобланиб, улар 8-10 йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилиниши лозим эди.

Мазкур буйруқда қатағон қилинадиганлар миқдори ҳам кўрсатиб берилди. Жумладан, Ўзбекистон ССРдан биринчи тоифа бўйича 750 киши, иккинчи тоифа бўйича 4000 киши, жами 4750 киши жазоланиши белгиланди.

Шу тариқа, 1937 йил 10 августидан эътиборан Ўзбекистонда ҳам оммавий қатағонлар авж олдирилди. 1937 йил 10 августдан 1938 йил 1 январгача бўлган вақтда Ўзбекистон бўйича «қулоқлар»дан 5924 киши, «жиноятчилар»дан 1679 киши, бошқа «советларга қарши унсурлар»дан 3097 киши, жами 10700 киши қамоққа олинган. Улардан 3613 киши 1-тоифа бўйича отувга, 7087 киши 2-тоифа бўйича 8-10 йил муддатга меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган. Отувга ҳукм қилинганлардан 1376 нафари «қулоқлар», 952 нафари «жиноятчилар» ва 1285 нафари «советларга қарши унсурлар» бўлган. Иккинчи тоифа бўйича ҳукм қилинганларнинг 4548 нафари «қулоқлар», 727 нафари «жиноятчилар», 1812 нафари «советларга қарши унсурлар» бўлган [3.387-388]. Ушбу рақамлар гувоҳлик бермоқдаки, 1937 йил 10 августидан 1938 йил 1 январигача бўлган вақтда Ўзбекистон бўйича қатағон қилинганлар НКВДнинг № 00447-сонли буйруғида кўрсатиб берилган миқдордан икки баробардан кўпроқни ташкил қилган.

Қатағон қилинганларнинг маълум бир қисмини меҳнат посёлкаларида сургун азобини тортаётган собиқ қулоқлар – меҳнат кўчкиндилари ташкил қилди. Ёппасига коллективлаштириш йилларида жазоланган собиқ қулоқлар «катта террор» даврида яна қайтадан қатағон комига тортилди. НКВД органлари 1934 йилдан бошлаб меҳнат посёлкаларида агентура ишларини изчил йўлга қўйган эди. Агентлар меҳнат посёлкаси аҳолиси ичидан, асосан, совет тузумига содиқ бўлган ёшлар ичидан танланган. Улар посёлкадаги турли норозилик кайфиятларини, партия-совет органларига, унинг раҳ-

барларига қарши айтилаётган турли гапларни НКВДнинг тегишли бўлимларига етказиб турганлар. Аксари ҳолларда мазкур агентура маълумотлари меҳнат кўчкиндиларини қатағон қилишга етарли асос бўлган.

1937-1938 йилларда Ўзбекистонда қатағон қилинган кишилар номлари қайд қилинган кўп жилдлик архив ҳужжатлар тўпламида [5,6,7,8] республикадаги меҳнат посёлкаларидан қатағонга тортилганлардан айримлари ҳақида ҳам маълумотлар ўрин олган. Ҳужжатлар тўпламида 1937-1938 йилларда ЎзССР НКВДси ҳузуридаги «учлик» томонидан қатағон қилинган 97 нафар меҳнат кўчкиндиси ҳақида маълумот берилган бўлиб, улар меҳнат посёлкалари бўйича қуйидагича тақсимланган:

Денов районидаги №1 «Ҳазорбоғ» меҳнат посёлкасидан 9 киши (1 киши отув, 6 киши 10 йиллик, 2 киши 8 йиллик қамоқ), Ховос районидаги №2 «Боёвут» меҳнат посёлкасидан 4 киши (2 киши 10 йиллик, 2 киши 8 йиллик қамоқ), Янгийўл районидаги №3 Стрелково номли меҳнат посёлкасидан 8 киши (2 киши отув, 6 киши 10 йиллик қамоқ), Оққўрғон районидаги №4 Сталин номли меҳнат посёлкасидан 1 киши (10 йиллик қамоқ), Янгийўл районидаги №5 «Ўзбекистон 5 йиллиги» меҳнат посёлкасидан 6 киши (1 киши отув, 5 киши 10 йиллик қамоқ), Бекобод районидаги №6 «Далварзин» меҳнат посёлкасидан 26 киши (3 киши отув, 19 киши 10 йиллик, 4 киши 8 йиллик қамоқ), Жалолқудуқ районидаги №7 «Савай» меҳнат посёлкасидан 10 киши (5 киши отув, 5 киши 10 йиллик қамоқ), Учқўрғон районидаги №8 «Норин» меҳнат посёлкасидан 5 киши (1 киши отув, 4 киши 10 йиллик қамоқ), Избоскан районидаги №9 Куйбишев номли меҳнат посёлкасидан 7 киши (5 киши отув, 2 киши 10 йиллик қамоқ), Булунғур районидаги №12 «Булунғур» меҳнат посёлкасидан 21 киши (5 киши отув, 16 киши 10 йиллик қамоқ) қатағон қилинган.

1937-1938 йилларда республикадаги меҳнат посёлкаларидан «учлик» томонидан жами 97 нафар меҳнат кўчкиндиси устидан ҳукм чиқарилган бўлиб, улардан 23 таси отув жазосига, 66 таси 10 йиллик, 8 таси 8 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Уларнинг миллий таркибида ўзбеклар 69 кишини (19 таси отув, 43 таси 10 йиллик қамоқ, 7 таси 8 йиллик қамоқ), руслар 9 кишини (1 таси отув, 8 таси 10 йиллик қамоқ), украинлар 4 кишини (барчаси 10 йиллик қамоқ), кабардинлар 4 кишини (1 таси отув, 3 таси 10 йиллик қамоқ), туркманлар 3 кишини (1 таси отув, 2 таси 10 йиллик қамоқ), тожиклар 3 кишини (2 таси 10 йиллик, 1 таси 8 йиллик қамоқ), осетинлар 1 кишини (10 йиллик қамоқ), уйғурлар 1 кишини (отув), ингушлар 1 кишини (10 йиллик қамоқ), доғистонликлар 1 кишини (10 йиллик қамоқ), болгарлар 1 кишини (10 йиллик қамоқ) ташкил қилган.

Юқорида келтириб ўтилган рақамлар фақат ЎзССР НКВДси ҳузуридаги «учлик» томонидан қатағон қилинган кишилар миқдорига тегишли бўлиб, бу йилларда суд органлари томонидан турли жазолар тайинланган кишилар сони бу миқдорга қўшилмаган.

ЎзССР НКВДси қошидаги «учлик» ҳар бир йиғилишида ўртача 310-315 киши устидан ҳукм чиқарган. Аксари ҳолларда «учлик» жойлардаги НКВД секторларидан олинган айблов хулосаларига асосланиб тезкорлик ва шошма-шошарлик билан ҳукм чиқарган. Ўз навбатида, жойлардаги НКВД оператив секторлари ходимлари айблов хулосаларини шошма-шошарлик билан, аксарият ҳолларда ғайриқонуний усуллар билан, маҳбусларга жисмоний ва руҳий азоб бериб, тергов баённомаларини бузиб, сохталаштириб, турли сохта «жиноятлар»ни тўқиб тайёрлаганлар. Бу ўринда биргина Андижон секторида тергов жараёнида қўпол процессуал қонунни бузишлар ҳақидаги мисолни келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир. НКВД Андижон сектори ходимлари, секторнинг собиқ бошлиғи А.А.Стасин, унинг ўринбосари А.В. Кулиничев, 4-бўлим бошлиғи Макаревичлар 1938 йилда жиноий ишларни сохталаштириб, тергов ҳужжатларини тасдиқлаб, кўплаб маҳбуслар тўғрисида ноқонуний ҳукм лойиҳалари тайёрлаганликлари учун Ўрта Осиё Ҳарбий округи Ҳарбий трибунали томонидан олий жазога ҳукм қилинганлар [8.9].

Қатағонга тортилган аксарият меҳнат кўчкиндилари турли тўқима ва сохта айблар билан ҳибсга олинган ва жазоланган. Уларга қўйилган айбномалар умумий ҳолда бир-бирига ўхшаш бўлган. Жумладан, кўпгина меҳнат кўчкиндилари ўтмишда «босмачилик» ҳаракатида қатнашганликда, диндор-руҳоний бўлганликда, совет тузумига қарши аксилинқилобий ташвиқот олиб борганликда айбланган. Бу каби айблар қўйилган аксарият меҳнат кўчкиндилари «учлик» томонидан олий жазога ҳукм қилинган. Чунончи, «учлик»нинг 1937 йил 8 сентябрдаги йиғилишида НКВД Андижон сектори томонидан тақдим этилган 2716-сонли жиноят иши бўйича 5 нафар меҳнат кўчкиндиси устидан ҳукм чиқарилган. Улар махсус кўчкиндилар ва совхоз ишчилари орасида аксилинқилобий ташвиқот олиб борганликда, СССРдаги очлик тўғрисида иғво гаплар тарқатганликда, партия ва совет ҳукумати раҳбарларига нисбатан туҳмат қилганликда, совет иттифоқига нисбатан мағлубиятчилик кайфиятини билдирганликда, троцкизмни мақтаганликда ва НКВД махсус посёлка комендатураси ходимларига қарши террорчилик акти тайёрлаганликда айбланганлар. Бу

«айблар»и учун ҳибсга олинганлардан Мирзаев Омонқул, Отаёров Қозоқ, Давлатов Саидлар мол-мулки мусодара қилиниб, отув жазосига, Холиқов Аннақул, Холиқов Омонқуллар эса 10 йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинган [5.56-57].

1937-1938 йилларда қатағон қилинган қишлоқ аҳолисининг маълум бир қисмини меҳнат посёлкаларидан қочиб келган собиқ қулоқлар ташкил қилган. Ҳақиқатан ҳам бу даврда коллективлаштириш йилларида қулоқ қилиниб, махсус посёлкаларга сургун қилинган ва сургун жойидан қочиб кетганлар жуда кўпчиликни ташкил қилар эди. НКВДнинг 1937 йил 30 июлдаги №00447-сонли буйруғи диспозициясида «қишлоқларда махсус посёлкалардан қочиб келган кўп миқдордаги собиқ қулоқлар ўрнашиб олганлиги» бежиз қайд қилинмаган эди.

Меҳнат кўчкиндиларининг доимий равишда меҳнат посёлкаларида тутиб турилиши, табиийки, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклар эди. Шу боис уларнинг меҳнат посёлкаларидан қочиб кетиши одатий ҳолга айланган. Зеро, посёлкадан қочиб кетиш қамоқ ёки лагердан қочишга нисбатан енгилроқ эди. 1932-1940 йилларда мамлакат бўйича меҳнат посёлкаларидан 629 042 киши қочиб кетганлиги ҳам бунинг исботидир. Бу давр мобайнида қочиб кетганлардан фақат 235 120 таси яна посёлкаларга қайтариб келинган [9.34].

1936-1938 йилларда Ўзбекистон меҳнат посёлкаларидан 2012 киши қочиб кетган. Қочқинлик 1938 йилда 1937 йилга нисбатан бироз озайган. 1937 йилнинг иккинчи ярмида меҳнат посёлкаларидан 429 киши қочиб кетган бўлса, 1938 йил биринчи ярмида бу кўрсаткич 223 тани ташкил этган. 1938 йилда қочиб кетганларнинг аксарият қисмини Бекобод райони «Далварзин» пахтачилик совхозидаги №6 меҳнат посёлкаси «қулоқ»лари ташкил этган. 1938 йилнинг 1-ярмидаёқ бу меҳнат посёлкасидан 100 киши қочиб кетган. Қолган барча посёлкалардан қочиб кетганлар 123 тани ташкил қилган. 1938 йилнинг январь ойидан июлига қадар меҳнат посёлкалари кўчкиндиларидан 91 киши қочиб кетгани, чайқовчилик қилгани ва меҳнат мажбуриятини бажармаганлиги учун судга берилган [10.90].

Қочиб кетганларнинг миллати, ёши ҳақида ОГПУ-НКВД ҳужжатларида аниқ маълумот берилмаган. Лекин, аксарият қочиб кетганлар маҳаллий миллат вакиллари бўлган. Айтиш мумкинки, қочиб кетган меҳнат кўчкиндилари бўйича пухта қидирув ишлар олиб борилмаган. Бу ҳол меҳнат посёлкаларидаги меҳнатга яроқлилар контингентининг йил сайин камайиб боришига таъсир кўрсатмай қолмаган. Энг аянчлиси шуки, меҳнат посёлкаларидан қочиб кетганлар «катта террор» даврида қатағоннинг асосий объектларидан бири бўлган. Архив ҳужжатлари тўпламида Украина, Шимолий Кавказ, Шимолий Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистондаги «қулоқлар сургуни»дан қочиб келган ва колхозларга кириб олган юзлаб собиқ қулоқлар қатағонга тортилганлиги ҳақидаги маълумотлар ҳам келтирилган. Улар айнан «сургундан қочганликда» ва «колхозлар ичида советларга қарши ташвиқот олиб бораётганликда» айбланганлар.

Юқорида айтиб ўтилганидек, 1935-1936 йилларда сургун қилинган қулоқларнинг турмуши бирмунча изга тушиб, улар ўз хўжалигини тиклаб олган эдилар. Сургундаги қулоқларнинг яшаш шароитлари ва моддий аҳволининг яхшиланиб бориши, яъни “бойиб” бориши СССР НКВД ГУЛАГ Меҳнат посёлкалар бўлими ходимларини ташвишга солган, албатта. Бу бўлим бошлиғи М.Конрадовнинг 1938 йил сентябрида Н.Ежовга йўллаган маърузаномасида айрим меҳнат кўчкиндилари хўжалик шароити жиҳатидан қулоқлик даражасига ўсиб етгани, улардан аксарияти 2-3 тадан сигир, от ва бузоқларга эга экани айтилиб, айрим вилоятларда меҳнат кўчкиндиларининг шахсий чорва ҳайвонлари меҳнат посёлкалари умумлаштирилган чорва ҳайвонлари миқдоридан ҳам кўпроқ экани қайд қилинган эди [11.55].

Меҳнат посёлкалари аҳолисининг бундай шиддат билан «бойиб» кетиши НКВД ГУЛАГ Меҳнат посёлкалар бўлими ходимларининг сиёсий хатоси сифатида баҳоланган. Бу эса ўз навбатида НКВД органлари ичидан ҳам «халқ душманлари»ни топишга етарли асос бўлди. 1937-1938 йиллардаги оммавий қатағон НКВДнинг кўзга кўринган бир қанча раҳбарларини ҳам ўз комига тортди. Улар, асосан, «меҳнат кўчкиндиларининг иқтисодий жиҳатдан бойиб кетишларига йўл қўйиб берганликда» айбландилар. Чунончи, СССР НКВД ГУЛАГ Меҳнат посёлкалар бўлимининг 1939 йил февралида ВКП(б) МКга йўллаган маърузаномасида шундай жумлалар бор эди: «Қулоқлар сургуни раҳбариятида узоқ вақт Коган, Молчанов, Берман, Плинер, Фирин, Закарьян, Вишневский каби халқ душманлари фаолият кўрсатиб келдилар. Улар томонидан зараркунандалик ишлари қуйидаги йўналишларда олиб борилди. Сургун қилинган қулоқ хўжаликлари атрофдаги колхозларга таққослаганда қулай ерларга жойлаштирилдилар. Меҳнат кўчкиндиларининг қайтадан қулоқлик даражасига эришуви давлат хисобидан амалга оширилди. НКВД органларига ўрнашиб олган халқ душманлари кўрсатмалари бўйича меҳнат кўчкиндилари солиқлардан, турли тўлов ва мажбуриятлардан озод қилиндилар, давлат ссудалари кечиб юборилди. Холбуки, меҳнат посёлкалари нафақат хўжалик жиҳатдан мустаҳкамланди, балки хўжалик кўрсаткичлари жиҳати-

дан ён атроф колхозлардан юқори даражага чиқиб олган эди» [11.55-56].

Юқоридаги кўрсатма ўша даврга хос бўлган «халқ душманлари»ни аниқлашнинг ўзига хос кўриниши бўлиб, аслида вазият тамоман ўзгача эди. Аксарият меҳнат кўчкинди хўжаликлари ночор аҳволда кун кўрар, қулоғига қадар қарзга ботиб қолганди. Уларнинг унумсиз ерларда оғир шароитлар остида меҳнат қилаётганини кўрган ва бунга амин бўлган маҳаллий ҳокимият органлари ва НКВД органлари меҳнат кўчкиндилари қарздорликларини бекор қилиш, ссудалар тўлови муддатини узайтириш ҳақидаги таклифлар билан юқори органларга мурожаат қилиб турганлар. Айрим ҳолларда бу таклифлар ижобий ҳал қилинган ҳам. Масалан, СССР ХКСнинг 1937 йил 21 апрелдаги № СО-1219 сонли қарори билан меҳнат кўчкиндилари ссудалар бўйича қарздорликдан озод қилинганлар [9.586].

Меҳнат кўчкиндиларининг бойиб бораётганлиги ҳақидаги хабар ҳам уйдирма эди. 1930-йилларнинг иккинчи ярмида ҳам сургундагилар моддий жиҳатдан оғир аҳволда қолаверган эди.

1937-1938 йиллардаги оммавий қатағон кўлами меҳнат посёлкаларида ҳам жуда юқори бўлганини қуйидаги маълумот орқали ҳам билиш мумкин:

1935-1936 йилларда мамлакат бўйича 6530 меҳнат кўчкиндиси судланган. Судланганлар миқдори барча меҳнат кўчкиндилари сонига нисбатан 1935 йилда 0,29 фоизни, 1936 йилда 0,33 фоизни ташкил қилган. 1935-1936 йилларда Ўзбекистондаги меҳнат посёлкаларидан 101 киши судланган [11.58].

1937-1938 йилларда СССРдаги меҳнат посёлкаларидан 41215 киши, 1939-1940 йилларда 5467 киши қатағон қилинди. Агар 1935-1940 йилларда қатағон қилинган меҳнат кўчкиндиларини 100 фоиз деб олсак, 1935-1936 йилларга унинг 12,3 фоизи, 1937-1938 йилларга 77,4 фоизи, 1939-1940 йилларга эса 10,3 фоизи тўғри келади. Кўриниб турганидек, 1937-1938 йилларда меҳнат посёлкаларидаги қатағон кўлами жуда юқори бўлган.

1937-1938 йилларда мамлакат бўйича қатағон қилинган меҳнат кўчкиндиларидан 38230 таси (92,8 %) РСФСР ҳудудларида, 2985 таси (7,2%) эса бошқа иттифоқдош республикалар ҳудудида яшаган. Жумладан, бу йилларда Ўзбекистонда 156 меҳнат кўчкиндиси қатағон қилинган, улар меҳнат посёлкалари жами аҳолисининг 1,1 фоизини ташкил қилган [11.60].

1939 йилда қатағон кўлами кескин пасайди. Айтиш мумкинки, 1939 йил давомида «қулоқлар сургуни»да қатағон қилинганлар миқдори ўтган йиллардагига нисбатан таққослаганда 9 мартага қисқарди. 1939 йилда судланганлар салмоғи барча меҳнат кўчкиндилари сонига нисбатан 0,27 фоизни ташкил этди. Чунончи, 1939 йил 1 январида иттифоқ бўйича 987918 меҳнат кўчкиндиси рўйхатда бўлиб, бу йилда судланганлар 2644 кишини (0,27%) ташкил қилди. Ўзбекистонда эса бу даврда 14312 меҳнат кўчкиндиси бўлиб, судланганлар 17 киши (0,11%) ни ташкил қилган [11.63].

Хулоса қилиб айтганда, оммавий қатағон йилларида махсус посёлкаларга сургун қилинган “қулоқ”лар яна қайтадан қатағон комига тортилдилар. Совет ҳукумати олий органлари томонидан республика учун белгилаб берилган қатағон нормаларининг маълум бир қисми меҳнат кўчкиндилари ҳисобидан бажарилди. Маҳаллий жазо муассасалари юқоридан берилган топшириқни қандай қилиб бўлмасин бажариш учун ҳар қандай разилликдан қайтмаганлар. Ҳатто ҳибсга олинганларнинг “айбини бўйнига қўйиш” учун қийноққа солиш, руҳий таъсир кўрсатиш каби ғайриқонуний воситалар кенг қўлланилгани ўз даврида ўша мустабид тузум ҳуқуқ идоралари томонидан ҳам тан олинган.

Адабиётлар:

1. ЎзР ИИВА (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги архиви), 32-фонд, 1-рўйхат, 2-иш.

2. Репрессия 1937 – 1938 гг. Документы и материалы. Выпуск 1. Сост.: Шамсутдинов Р.Т., Каримов Н.Ф., Юсупов Э.Ю. Отв. ред. Каримов Н.Ф. – Т.: Шарк, 2005.

3. Трагедия советской деревни. Коллективизация и раскулачивание. Документы и материалы. В 5 томах. 1927-1939. Т. 5. Кн. 1. 1937 г. – М.: «РОССПЭН», 2004.

4. ГУЛАГ: Главное управление лагерей. 1918-1960. /Под пред. А.Н. Яковлева. Сост. А.И. Кокурин, Н.В. Петров. – М.: МФД, 2002.

5. Шамсутдинов Р. Қатағон қурбонлари (1937 йил 10 август-5 ноябрь) Иккинчи китоб. – Т.: Шарқ, 2007.

6. Репрессия 1937-1938 гг. Документы и материалы. Под. ред. Н.Ф. Каримова. /Сост.: Р.Т. Шамсутдинов, Э.Ю. Юсупов, А. Мамажонов, Э. Дусматов. Выпуск 3. Жертвы большого террора из Узбекистана. 1937 год ноябрь. – Т.: Шарк, 2007.

7. Репрессия 1937-1938 гг. Выпуск 4. Жертвы большого террора из Узбекистана. 1937 год, декабрь. /Отв. ред. Каримов Н.Ф., Шамсутдинов Р.Т. //Сост.: Р.Т. Шамсутдинов, М. Абдуллаев, Э. Дусматов, Х. Курбанов. – Т.: Шарк, 2008.

8. Қатағон қурбонлари (1938 йил февраль, сентябрь). Бешинчи китоб. /Таҳрир ҳайъати Р.Шамсутдинов ва бошқ. //Тузувчилар гуруҳи: Р.Шамсутдинов, Х.Қурбонов, Ж.Расулов, Ф.Эгамбердиев, У.Бекимметов. – Т.: Шарқ, 2009.

9. Политбюро и крестьянство: высилка, спецпоселение. 1930-1940. В 2 кн. Кн.2 /Отв. ред. Н.Н. Покровский, В.П. Данилов, С.А. Красильников, Л. Виола. – М.: «РОССПЭН», 2006.

10. ЎзР ИИВА, 32-фонд, 1-рўйхат, 4-иш.

11. Земсков В.Н. Спецпоселенцы в СССР 1930-1960. – М.: Наука, 2003.

Андижон давлат университети,
2012 йил 20 январда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. И.Алимов)